


VIII. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК


Ишбилармонлик мухитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йил январь-декабрда жами 2476 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,2 % га кўпдир). Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат, савдо ва кишлок ва урмон хўжалигида (жами ташкил этилган субъектларнинг 33,6 %), саноат тармоғида (23,1 %), савдо соҳасида (9,3 %), кишлок ва урмон хўжалигида (9,2%) қурилиш бўйича хизматларда ташкил этилган.

2017 йил январ–декабр ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши.



2018 йил 1 январь ҳолатига Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 21631 тани ташкил этди.

**1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(бирликда)**



2018 йил 1 январь ҳолатига ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 11,7 бирликни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан 106,6 фоига тенг.

Худудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Пахтаобод тумани (29,7 бирлик), Булокбоши тумани (28,8 бирлик), Избоскан (25,7 бирлик) ва Жалақудук (23,7 бирлик) туманларига тўғри келади.

2017 йилнинг январь–декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4551,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизни ташкил қилди;

- 7392,1 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,1 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 99,7 фоизи) ташкил қилди;

- 1210,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 54,1 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг январь-декабрь даврига нисбатан 103,3 фоизни ташкил қилди;

- 1661,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 94,3 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг январь-декабрь даврига нисбатан 103,2 фоизга тенг бўлди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 102,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 77,0 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 103,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,0 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,9 фоизи ёки 7483,1 млрд. сўмни 2016 йил январь-декабрга нисбатан (ўсиш суръати 102,0 фоиз) ни ташкил қилди;

- 222,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 56,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 217,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 18,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини модернизация қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим роль ўйнашини қуйидаги маълумотлар далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши экспортда – 52,6 % ни (2016 йилнинг январь-декабрида 59,1 %), саноатда – 34,4 % ни (49,6 %), хизматларда – 73,7 % ни (73 %), қурилишда – 94,3 % ни (94,1 %) ва бандликда – 84,5 % ни (84,1 %) ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(умумий ҳажмига нисбатан % да)



Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда, хусусий сектор давлатимиз иқтисодиётида ўз ўрнини янада мустаҳкамламоқда.


2017 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7392,1	99,7
Саноат	4551,4	99,4
Қурилиш	1661,6	99,5
Чакана савдо	7483,1	91,9

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
--	--	---

Юк ташиш, млн тн.	42,7	94,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	637,2	96,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	222,7	97,5
Импорт, млн. АҚШ долл.	217,0	94,5

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда, хусусий сектор давлатимиз иқтисодиётида ўз ўрнини янада мустаҳкамламоқда.